

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Андижон вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази беморларни овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматини харид қилиш учун энг яхши таклифларни танлаш ўтказилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи, танлаш ҳужжатида белгиланган миқдорларда хизмат кўрсатиш имконияти ва тажрибасига эга юридик шахс бўлган барча маҳаллий корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Давлат буюртмачиси номи: Андижон вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази

2. Танлаш предмети: беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизмати

Танлаш иштирокчилари битта лот бўйича танлашда иштирок этиши, Буюртмачи эса энг яхши танлаш таклифларини тақдим этган бир иштирокчи билан шартнома имзолаши мумкин.

3. Молиялаштириш манбаи: бюджет маблағлари ҳисобидан.

4. Танлашда иштирок этишни истаган номзодлар:

махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) жойлаштирилган электрон танлаш ҳужжатларини юклаб олишлари ва унда кўрсатилган талаблар билан танишиб чиқишлари;

танлаш таклифларини белгиланган муддатларда танлаш ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тақдим этишлари лозим.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида №1 дан №15 гача бўлган пархез столлари бўйича овқатларини тайёрлаш

6. Бир кунлик 3200-3500 ккал иссиқ овқат тайёрлаш учун бир беморга 1-нонуста, 2-нонуста, тушлик 1-2 овқат, пешинлик ва кечки овқат тайёрлаб берилади.

Андижон вилоят Фтизиатрия
ва пульмонология маркази:



Ф.Насритдинов